

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 24 август, № 165 (5080) Сешанба

## БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН




Самарқанд вилояти:

# ИСТИҚЛОЛДАН ЯШНАГАН ТАБАРРУК ЗАМИН

**Мустақиллик йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида бутун мамлакатимизда бўлганидек, Самарқанд вилоятида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Истиқлолдан яшнаган муқаддас заминда олиб борилган изчил ислоҳотлар туфайли янги иншоотлар, корхоналар, уй-жойлар, маданий-маиший муассасалар бунёд этилди.**



*Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Истиқлолимизнинг 19 йиллиги арафасида оламшумул янгилик рўй берди. Ўзбекистонда кашф қилинган кичик сайёрага муҳтарам Президентимиз таклифлари билан ер юзида "боқий шаҳар" номини олган, астрономия фанининг бешиги, азим Самарқанд номи берилди.*

*Бу улкан воқеа Имом Бухорий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек каби буюк аждодларимизнинг ақлу заковати билан балқиган тафаккур қуёши бугунга келиб Мустақиллигимиз шарофати билан янада порлаб, ёрқинроқ нур соча бошлаганининг намойишига айланди. Миллионлаб қалбларга чексиз ғурур, фахру ифтихор бағишлади.*

*Бугунги ҳикоямиз Истиқлол туфайли ўз сайёрасига эга бўлган, ўзининг бой тарихи, улуғ аждодлари, нодир осориатиқалари ва ниҳоят, бугунги бунёдкорлик ишлари, салоҳияти билан кўпларга ўрнак бўлаётган Самарқанд ва самарқандликлар ҳақида.*

Самарқандда катта тантана устидан чиқдик. Шаҳарнинг гавжум хиёбонларидан бирида "Самарқанд нонлари" кўрик-танлови бўлаётган экан. Кенг ва равон кўчанинг ҳар икки тарафида вилоятдаги шаҳарлар, маҳаллалар, туманлар, корхона, ташкилот ва ўқув муассасалари ўзлари тайёрлаган турли кўринишдаги, хилма-хил, бўрсилдоқ нонлари билан иштирок этишмоқда. Нонлар... Самарқанд нонлари ўзининг кўриниши, хуш таъми, тўйимлилиги билан етти иқлимга машҳур.

Нон сайли... Вилоятда учинчи бор ўтказилаётган, фақат Самарқандгагина хос бу анъанавий тадбир ҳақиқий байрам тусини олди. Вилоят санъаткорлари, туманлардан келган бадиий фольклор жамоалар ўз чиқишлари, шўх рақслари, куй-қўшиқлари билан байрамга ўзгача жозиба бағишладилар.

— Бизнинг маҳалламиз уста новвойлар, ҳунармандлар маҳалласи, — дейди Сиёб туманидаги Даризанжир маҳалласи маслаҳатчиси Гулжаҳон ая Акромова. — Бугунги кўрик-танловда эса новвойларимиз 30 турдан зиёд нонлари билан иштирок этишмоқда. Бундан ташқари, ганчкорларимиз, каштачиларимиз ҳам ўз ҳунармандчилик маҳсулотларини намойиш этишмоқда.

Кўрик-танловда Самарқанд туманидаги маиший хизмат коллежи жамоаси "Мустақиллик нонлари" композицияси билан иштирок этиб, барчанинг олқишига сазовор бўлди. Айланаси 1,5 метрдан то 20 сантиметргача бўлган 20 та нон кўкка томон териб чиқилган, бир қарашда расадхонага, яна бир қарашда, осмонга туташиб кетган зинапояларга ўхшайди.

— Бу композицияни яратишда талабаларимиз ғаллакорларимизнинг йил сайин кўкка бўй чўзаётган хирмонларидан андоза олишган, — дейди коллеж директори Ҳамрочучук Остонова.

Куннинг иккинчи ярмида нуфузли ҳайъат ғолибларни эълон қилди. Тилга олганимиз коллеж талабалари олий ўрин — Гран-прига лойиқ кўрилди. Жомбойлик Гулбаҳор Раҳмонова, Самарқанд туманилик Феруза Ботирова ҳамда "Вилояттаъминотсавдо" ассоциацияси жамоаси турли номинациялар бўйича ғолибликни қўлга киритишди.

Биз "Самарқанд нонлари" кўрик-танловида қатнашиб, ҳар хил кўринишдаги юздан зиёд нон турларини томоша қилар эканмиз, саховатли Самарқанд замини ҳақида ўйладик. Самарқандликлар — боғбон халқ. Мева-чева, ҳар хил сабзавотлар етиштиришда миришкор одамлар. Самарқанд тумани ўзининг ўриклари, ноку нашватилари ва айниқса, сархил картошкалари билан машҳур.

— Бунақанги ширин картошкалар фақат шу ерда, шу заминда битади, — дейди ҳамкасбимиз Адҳам Ҳайитов. — Анжирзорларимизни айтмайсизми? Дунёдаги энг ширин анжир, икки донасини есангиз, лабингиз лабингизга ёпишиб қоладиган, шарбат томчилаб ётадиган бу тиллоранг анжирларни татиб кўргани, ҳатто, Америкадан ва бошқа олис юртлардан келишади.

— Мустақиллик туфайли ер эгасини топди. Қишлоқда мулкдорлар синфи шаклланди, — дейди Жомбой туманидаги "Х. Низоматов ХНН" элита пахта уруғчилиги хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Аваз Эргашев. — Одамларимиз аввалгига қараганда анча ҳисобдон бўлиб қолишди. Энди улар бир сўм сарфлаб, ўн сўмлик маҳсулот етиштиришнинг йўлларини яхши билишади. Дунёдаги манаман деган компанияларнинг технологияларини олиб келиб ўрнатиб, ўз маҳсулотларини қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантириб сотаётган ёки бўлмаса, маҳсулотлари билан хорижга чиқаётган фермерлар сони тобора ошиб бормоқда. Деҳқонларимиз очиқ ерда маҳсулот етиштириш билан кифояланмай, кўплаб иссиқхоналар ҳам ташкил қилмоқдалар.

(Давоми 2-бетда).

**Ватанимиз бой тарихи, бетакрор анъана ва қадриятлари билан ҳамиша хорижликлар эътиборини ўзига тортиб келган. Бу гўзал ва кўҳна заминга бўлган қизиқиш, айниқса, мустақиллик йилларида янада ортди, дейишга асосларимиз етарли. Чунки ўтган ўн тўққиз йиллик Истиқлол даврида бевосита Юртбошимиз раҳнамолигида улуғ аждодларимиздан қолган маданий бойлик ҳамда ёдгорликларни қайта тиклаш, шаҳару қишлоқларимизни ободонлаштиришга жуда катта эътибор қаратилди. Бу эзгу саъй-ҳаракатлар ҳозир ҳам изчил давом эттирилмоқда.**

# «МЕҲР ВА ОҚИБАТЛИ ОДАМЛАР ЮРТИ»

**Хорижлик сайёҳларнинг Ўзбекистон ҳақидаги бундай самимий фикрлари бизга чексиз ғурур бағишлайди.**

Дунё нигоҳи

*Халқимиз азалдан меҳмонни ҳурмат-эҳтиром билан қарши олишга, яна шундай иззат-икром билан кузатишга одатланган. Балки ана шу самимий муносабат ҳам ўзга юрт вакилларининг Ўзбекистонга бўлган интилиши йил сайин ошиб боришида муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилаётгандир.*

*Мамлакатимизга ташриф буюраётган хорижлик сайёҳлар билан суҳбатлашганимизда, ушбу қисқа муддатли сафар улар учун узоқ йилларга татигулик таассуротларни туҳфа этгани, одамларимизнинг очиққўнгиллилиги қалбларида ўчмас из қолдирганини кўп бор таъкидлашади. Бундай фикрлар, албатта, бизга чексиз ғурур бағишлайди.*

**Ал Ҳасан Иброҳим ХАЛАДОРИЙ, (Бирлашган Араб Амирликлари):**

— Бу юртнинг таърифини жуда кўп бор эшитганман. Мана, энди бевосита ўзим кўришга муяссар бўлиб турибман. Тошкентдаги бири-биридан ажойиб замонавий бинолар, уларга уйғун ҳолда барпо этилган гулзорлару хиёбонлар, ям-яшил майсазорлар, фавворалар менда алоҳида таассурот қолдирди. Кун қанчалар иссиқ бўлмасин, ана шундай сўлим масканларда, дарахтлар соясида бир оз ҳордиқ чиқарсангиз, ўзингизни енгил ҳис қиласиз. Юзингизга уриладиган майин шабада танангизга роҳат бағишлайди. Айниқса, эрта тонгда махсус автомашиналарнинг кўчаларга сув сепиб, атрофга орасталик бағишлаши мен учун янгилик бўлди.

Одатда, саҳар туриб, пиёда юришни ёқтираман. Мен турган меҳмонхона Мустақиллик майдонига яқин жойда экан. Келганимга уч кун бўлган бўлса, ҳар кунги саёҳатимни, аввало, шу майдонни бир зиёрат қилишдан бошлаяпман.

(Давоми 2-бетда).

**21 август куни "Ил-76" транспорт самолётида Тошкентдан Исломободга табиий офатдан жабрланган Покистон халқига Ўзбекистон Республикасининг инсонпарварлик ёрдами жўнатилди.**

# ПОКИСТОН ХАЛҚИГА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Вазни 40 тонна ва қиймати 300 минг АҚШ доллари миқдоридаги мазкур инсонпарварлик ёрдами энг зарур нарсалар, жумладан, чодир, кўрпа-тўшак, ичимлик суви, дори-дармон, ун, гуруч, болалар озуқаси, катталар ва болалар учун кийим-кечакдан иборат.

Ўзбекистоннинг ушбу инсонпарварлик ёрдами Покистон оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Бу ерда инглиз тилида нашр этиладиган "World Tribune Pakistan" газетаси ўз саҳифалари ва веб-сайтида "Ўзбекистон тошқиндан жабр кўрган Покистон халқига инсонпарварлик ёрдамини жўнатди" сарлавҳаси остида материал чоп этди. Унда, жумладан, бундай дейилади:

"Қардош Ўзбекистон ушбу мусибатли кунларда Покистон халқини қўллаб-қувватлади. Республика раҳбарияти Покистонда тошқиндан азият чекканларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ҳақида қарор қабул қилди".

Инглиз тилидаги яна бир веб-сайт — "Daily Times" "Бутун дунё Покистонга тошқин оқибатларини бартараф этишда ёрдам бермоқда" сарлавҳали материални эълон қилди. Унда қуйидагилар қайд этилган: "Ўзбекистон Покистонга тошқин қурбонлари учун 40 тонналик ёрдам юкини етказиб берди. Чодир, кўрпа-тўшак, ичимлик суви, дори-дармон, ун, гуруч, болалар озуқаси, катталар ва болалар учун кийим-кечакдан иборат ушбу ёрдам Ўзбекистондан транспорт самолётида келтирилди".

Ўзбекистон томонидан ушбу инсонпарварлик ёрдамини Покистон вакилларига топшириш маросими, шунингдек, "Euronews" Европа телеканали орқали кенг ёритилди. Мазкур тадбир ҳақидаги фотолавҳа "Associated Press" (АҚШ) ахборот агентлигининг электрон саҳифасида ҳам эълон қилинди.

Айни вақтда Ўзбекистон томонидан етказиб берилган инсонпарварлик ёрдами Покистон жамоатчилиги, расмий ва дипломатик доиралари томонидан катта мамнуният билан кутиб олинди.

Хусусан, инсонпарварлик ёрдамини топшириш маросимида иштирок этган Покистон Ислом Республикасининг Давлат ташқи ишлар вазири Набабзода Малик Амад Хон бундай деди:

"Мен ҳукуматимиз номидан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга ва бутун қардош ўзбек халқига юборган ушбу зарур инсонпарварлик ёрдами учун самимий миннатдорлик изҳор этаман.

2005 йили Покистон зилзила оқибатида вайрон бўлган пайтда ҳам Ўзбекистон халқимизга биринчилардан бўлиб ёрдам қўлини чўзган ва Исломободга инсонпарварлик ёрдами жўнатган эди.

Ўзбекистон раҳбарияти Покистон халқига ҳар доим ёрдам беришга тайёр эканини яна бир бор исботлади. Ушбу оғир кунларда кўрсатилган ёрдам учун миннатдормиз. Мазкур тошқин мамлакатимиз тарихидаги энг катта табиий офатлардан бўлиб, унинг оқибатида 20 миллиондан ортиқ одам жабр кўрди.

(Давоми 2-бетда).

## Август ойи – пахта ҳосилига ҳосил қўшадиган ой



# АҲАМИЯТЛИ ТАДБИР

***Жорий йилда деҳқон ва фермерларимизнинг фидокорона меҳнати эвазига мавжуд майдонларда мўл ва эртаки пахта ҳосили етиштирилди. Эндиги асосий вазифа бу қимматбаҳо хом ашёни нест-нобуд қилмасдан, ўз вақтида йиғиштириб олишдан иборат. Бу жараёнда, табиийки, ғўза агротехникасидаги охирги тадбир — дефолиациялашни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.***

Гап шундаки, мазкур тадбир ўз вақтида, сифатли ўтказилса, ҳосил салмоғи янада ортади. Яъни баргсизлантирилган экиннинг пастки қисмидаги кўсакларга ҳам қуёш нури бир текисда тушиб, уларнинг тез пишишини таъминлайди. Шу боис вилоятимизда мақбул муддатда дефолиациялашни рўёбга чиқариш мақсадида мутахассисларимиз ҳар бир фермер хўжалигида бўлиб, ғўза ҳолатини ўрганиш асосида махсус иш жадвалини ишлаб чиқишди. Унга кўра, жамиятимизнинг туман филиалларида 33 та отряд ташкил этилиб, уларга "ишчи эритмалар"ни узлуксиз етказиб бериш йўлга қўйилди. 22 та махсус майдонча тайёрланиб, бари тегишли ускуналар билан жиҳозланди. 38 та техника, 97 та "ОВХ", 262 та "ОРПД-12" пуркагичининг тўхтовсиз ишлашига эришиш учун эса эҳтиёт қисмлар захираси яратилди.

Шу билан бирга, дефолиациялашда иштирок этадиган барча ишчи-хизматчилар махсус кийим-бош, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланиб, улар учун ювиниш ва овқатланиш хоналари ташкил этилди.

Қисқача айтганда, ғўзани дефолиациялашни кўнгилдагидек ўтказиш учун барча шарт-шароит яратилди. Мақсад битта: далалардаги лўппи-лўппи бўлиб очилган "оқ олтин"нинг ҳар бир мисқолини ёғин-сочинли кунларга қолдирмасдан, ўз вақтида, сифатли йиғиштириб олиш. Ана шунда, ишонамизки, деҳқонларимиз қалб қўри-ла яратилган пахта ҳосили иқтисодиётимизнинг янада ривожланиши, турмушимизнинг бугунгидан-да фаровон бўлиши учун хизмат қилишига муносиб ҳисса қўшамиз.

**Тўлқин ПАРДАЕВ,**
**Навоий вилояти «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамияти бошқаруви раиси.**

# ЁШЛИК ФАСЛИ ИЛҲОМЛАРИ

***Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида "Навқирон Ўзбекистон — 2010" республика анъанавий ва замонавий санъат фестивали ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тантанали тадбирда ёш ижодкорлар, ҳунармандлар, санъат йўналишидаги нуфузли ўқув даргоҳларининг устоз ва мураббийлари ҳамда талабалар иштирок этди.***

«Навқирон Ўзбекистон — 2010»

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамкорлигида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур фестивалда кўплаб иқтидорли ёшлар кашф этилди. Қувонарлиси шундаки, санъат ва ҳунармандчиликнинг анъанавий ва замонавий турлари бўйича истеъдодини намоён этаётган бу ёшлар нафақат юртимиз, балки жаҳон миқёсидаги нуфузли танлов ва фестивалларда ҳам муваффақиятли қатнашмоқдалар.

— Навқирон ижодкорлар санъатимизнинг ёруғ келажагини таъминлаш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлашга

(Давоми 2-бетда).

**Иқтисодиётнинг асосий қон томирларидан ҳисобланадиган темир йўл тармоғини ривожлантириш мамлакатимиз равнақи учун муҳим стратегик аҳамият касб этади. Шу боис мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан дунё бозорига янги йўллар очиш, Ўзбекистонни бошқа давлатлар ва минтақалар билан боғлайдиган транспорт коммуникацияларини барпо этиш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда.**

# БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИМИЗНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ

**24 август куни "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" темир йўлининг ишга туширилганига уч йил тўлади.**

Фахр

"Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" темир йўлининг ишга туширилиши бу борада амалга оширилган энг улкан ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга қурилишлардан бири бўлди. Мамлакатимизда ягона миллий темир йўл тизимини яратишнинг муҳим босқичи ҳисобланган мазкур қурилиш халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг ёрқин намунасидир.

Ҳисор тоғ тизмалари узра денгиз сатҳидан 1800 метр баландликдан ўтган, умумий узунлиги 223 километрни ташкил этувчи бу темир йўл Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги шу пайтгача пўлат излар етиб бормаган ҳудудларни пойтахтимиз, шунингдек, юртимизнинг бошқа шаҳарлари ва қўшни мамлакатлар билан боғлаш имконини берди. Йўловчиларга қулай шарт-шароит яратиш ва хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш мақсадида "Тошгузар", "Деҳқонобод", "Бойсун", "Қумқўрғон", "Оқработ", "Дарбанд" станцияларида халқаро андозаларга мос янги вокзаллар қурилди.

Мазкур темир йўлнинг ишга туширилишига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз Ислом Каримов, "Биз ўз куч-қудратимиз, қурбимиз ва нималарга қодир эканлигимизни яна бир бор намоён этдик. Шундай қисқа муддатда бу ерда бажарилган ишларнинг ҳажми ва кўламини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, манаман деган ҳар қандай давлат ва жамоа ҳам ҳайратда қолиши табиий, албатта", деб таъкидлаган эди.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## ЭЛЕКТРОН ҲИСОБЛАГИЧЛАР — АНИҚЛИК МЕЗОНИ

***Жорий йилнинг биринчи ярмида республикамиз бўйича маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини сарфлашини аниқ ҳисобга олишни таъминлайдиган***

**1570,9** **мингта электрон ҳисоблагич ўрнатилди.**

Электр энергиясини модернизация қилиш, энергия сарфини камайтириш ва энергияни тежаш тизимини жорий этиш дастурининг изчил амалга оширилиши туфайли ана шундай ижобий натижага эришилди.



# БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИМИЗНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

"Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" темир йўли кўп асрлар давомида мудраб ётган тоғлар орасидан кесиб ўтиб, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг ер ости минерал ресурсларини, нефть ва газ, рангли металл, кўмир ва калий тузи, қурилиш материаллари ҳамда бошқа қимматбаҳо фойдали қазилмаларини ўзлаштириш учун катта имконият очди. Марказдан узоқ бўлган тоғли қишлоқларда саноат, транспорт ва алоқа, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришда, янги-янги маънавият масканларининг очилиши ва ижтимоий-маданий ҳаётни жонлантиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Янги темир йўл фойдаланишга топширилиши билан хориж инвестицияси иштирокидаги Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи қурилиши бошлаб юборилди. Шулар қаторида Сурхондарё вилоятида Хонжиза полиметалл, Шарғун ва Бойсун тошкўмир конларини ўзлаштириш, янги цемент заводларини қуриш учун асос яратилди.

Мухтасар қилиб айтганда, бу йўл юртимизнинг хорижий давлатларга чиқиш имконияти, транзит роли ва экспорт салоҳиятини кескин оширди.

"Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" темир йўли ўтган манзиллар юксалиш сари юз тутмоқда. Йўл бўйида ястанган ҳудудларнинг ривожланиши ва аҳоли ҳаётининг янада фаровонлашувида бу йўл алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу темир йўлда юк ташиш ва йўловчилар қатновини ташкил қилиш, темир йўлларга хизмат кўрсатиш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш учун минглаб иш ўринлари яратилди ва яратилмоқда. Темир йўл линиясида бугунги давр талабларига тўлиқ жавоб берадиган инфратузилма ва коммуникациялар барпо этилди. "Дарбанд" бекатида ишга туширилган локомотивларга техник хизмат кўрсатиш пункти, темир йўл станцияларида барпо этилаётган юк саройлари, локомотив деполари, электр таъминоти шохобчалари каби кўплаб объектлар шулар жумласидандир. Темир йўл ишчилари учун ва аҳолига ижтимоий шароит яратиш мақсадида ўнлаб замонавий коттежлар қуриб битказилди.

Ушбу темир йўл ўтган воҳада кўплаб маъдан ва хом ашё конлари жойлашган. Бу табиий бойликларни ўзлаштиришда темир йўл транспорти катта аҳамият касб этади.

"Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" темир йўли қурилиши муносабати билан Деҳқонобод тумани истиқболини белгиловчи йирик лойиҳалардан бири — йилига 700 минг тонна рудани қайта ишлаб, 200 минг тонна калийли ўғитлар ишлаб чиқарадиган завод барпо этилди. Янги заводнинг қурилиши, асосан, чорвачилик билан шуғулланиб келган қишлоқ аҳолиси учун қўшимча иш ўринлари яратиш, қишлоққа саноатни олиб кириш, одамларнинг турмуш маданиятини юксалтириш имконини берди. Тоғ-кон комплекси яқинида жойлашган Хўжаипок қишлоғи туманнинг зиёратгоҳ масканларидан ҳисобланади. Келгусида бу ерга келаётган зиёратчилар учун шарт-шароитлар яратиш, умуман, туманда туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари кўрилаётир.

Темир йўлнинг "Деҳқонобод" бекати бошлиғи Сирожиддин Норқобиловнинг айтишича, ушбу бекат орқали ҳар ойда қарийб 400 вагон юк қабул қилиниб, манзилларга етказилмоқда. 10-15 минг тонна юк эса бошқа манзилларга жўнатилмоқда. Бу ерга келаётган юкларнинг асосий қисми Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи учун мўлжалланган бўлиб, улар орасида қурилиш материаллари, оғир техникалар, ишлаб чиқариш технологик ускуналари ва қимматбаҳо жиҳозлар бор. Мазкур бекатда яқинда замонавий — микропроцессорли марказлашув тизими жорий қилинди: поездларни бир йўлдан иккинчи йўлга ўтказиш қурилмаларини айлантириш, поездни жўнатиш ва бошқа барча жараёнлар компьютер орқали амалга оширилаётир. Бундай ишларни махсус ўқув курсларида малака оширган маҳаллий мутахассислар бажармоқда.


М. АМИН (ЎзА) олган сурат.

"Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" темир йўли нафақат Ўзбекистон, балки минтақа тараққиётида ҳам алоҳида ўрин тутади.

Мустақиллик туфайли барпо этилган бу бетимсол қурилиш миллий иқтисодиётимизда транспорт соҳаси самарадорлигини кескин ошириши, шубҳасиз. Диққатга сазовор томони шундаки, янги темир йўл туфайли юк ва йўловчи ташиш масофаси 170 километрга, ҳаракат вақти эса етти соатга қисқарди.

Дарҳақиқат, 2007 йилнинг 24 августи "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" темир йўли ишга туширилган кун сифатида мамлакатимиз тарихи саҳифаларига абадий муҳрланди.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# «МЕҲР ВА ОҚИБАТЛИ ОДАМЛАР ЮРТИ»

**Хорижлик сайёҳларнинг Ўзбекистон ҳақидаги бундай самимий фикрлари бизга чексиз ғурур бағишлайди.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу ернинг гўзаллиги, юксак ғоя асосида бунёд этилган мажмуаси, сокинлиги, фавворалариниг шовуллаб турган овози кишига хушнудлик бағишлайди. Ўзбекистонни жаннатмонанд юрт, дея таърифлашганларича бор экан.

Фурсатдан фойдаланиб, халқингизни яқинлашиб келаётган Истиқлол айёми билан табриклайман.

**Патрик Роберт НИКУД (Швейцария):**

— Ўзбек халқининг бағрикенглиги, самимий муносабати ўзига хос. Разм солдим, одамларнинг кайфияти яхши, юз-кўзида бугунги кундан мамнунлик аломатлари сезилиб турибди. Кўча-кўйда ким билан танишмай, илиқ суҳбатлашади, меҳмондорчиликка таклиф этади. Бунақаси дунёда камдан-кам учрайди. Уларга қараб туриб, бу ерни меҳр ва оқибатли одамлар юрти, дея таърифлагим келди.

Яқинда Мустақиллик байрамини нишонлар экансизлар. Қайси вилоятга бормай, ана шу шодиёнага барча биргаликда тайёргарлик кўраётганига гувоҳ бўлдим. Қаердадир янги бинолар, уйлар қурилаяпти, йўллар асфальтланаяпти, гуллар экилаяпти... Хуллас, ободончилик авжида. Ўз мақсади сари дадил интилаётган бундай юртга фақат муваффақият тилайман.

**Деннис ЦЗАНГ (Хитой):**

— Ўзбекистоннинг қисқа фурсат ичида иқтисодий барқарор давлатлар қаторига қўшилиши эътиборга лойиқдир. Айниқса, бутун дунёни мураккаб аҳволга солиб қўйган глобал молиявий-иқтисодий инқироз даврида ушбу муваффақиятлар пойдевори нақадар мустаҳкам экани янада яққолроқ намоён бўлди. Яъни юртингиз таназзул таъсирига тушиб қолмаган камсонли мамлакатлар сафидан жой олди ва бу халқаро миқёсда ҳам алоҳида эътироф этилмоқда. Мен банк соҳасида ишлаганим, жаҳон иқтисодиётидаги ўзгаришларни доимо кузатиб борганим учун ҳам бундан яхши хабардорман.

Айни пайтда дунё мамлакатлари жорий йилнинг ўтган даврини сарҳисоб қилишмоқда. Эътибор берган бўлсангиз, яна иши жонланган, фойда кўришни бошлаган компания ва корпорациялар, молия муассасалари кўп. Бу жуда яхши. Аммо ҳали-ҳануз иш ўринларини қисқартираётган, харажатларни камайтириб, шу йўл орқали банкротликдан сақланиб қолишга уринаётганлар ҳам оз эмас. Ўзбекистоннинг эса 2010 йилнинг олти ойида эришган натижалари орасида бир рақам диққатимни тортди. Шу даврда ёшлар учун 282,8 мингта янги иш ўрни яратилибди, ёш оилаларга қиймати 55,5 миллиард сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари берилибди. Кўриниб турибдики, юртингизда келажак авлоднинг ҳаётда ўз ўрнини топиб олиши учун жуда катта имкониятлар яратиб берилмоқда. Бунга фақат ҳавас қилиш керак.

**Микихико ЁШИДА (Япония):**

— Юртингиз мустақилликка эришгач, бошқа давлатлар қатори Япония билан ҳам ўзаро муносабатларини изчил ривожлантириб бормоқда. Дўстона алоқаларнинг самараси ўлароқ, икки халқ вакилларининг борди-келдиси тобора мустаҳкамланмоқда. Мана шундай имкониятдан фойдаланиб, мен ҳам Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларни томоша қилиш ниятида ташриф буюрдим.

Тарихингиз ҳақидаги илк таассуротларимни пойтахтингиздаги музейлардан олдим. Темурийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Амалий санъат музейидаги ноёб экспонатлар, нодир қўлёзмалар узоқ йиллик ўтмишдан ҳикоя қилади. Уларни асраб-авайлашга бўлган эътибор ва ҳурмат ана шу иншоотлардаги шарт-шароитлардан ҳам билиниб турибди.

Бундан ташқари, истироҳат боғларини айландим, сўлим гўшаларда дам олдим, миллий либослардан харид қилдим, таомлардан татиб кўрдим. Ҳаммаси ажойиб. Энг гўзал масканларда эсдалик учун суратга тушдим. Энди тарихий шаҳарларингизни тезроқ бориб кўришга шошилаяпман.

Мен мана шундай ўтмиши буюк халқнинг келажаги ҳам порлоқ бўлишига ишонаман. Барчангизни Мустақиллик байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Шавкат ОРТИҚОВ**
**ёзиб олди.**

# ЁШЛИК ФАСЛИ ИЛҲОМЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳисса қўшувчи муносиб давомчиларимиздир, — дейди Ёшлар ижод саройи директори ўринбосари Камола Оқилова. — Шу маънода, фестивалда иштирок этган ёшларнинг кенг дунёқарашга эга эканликлари кишини қувонтиради. Хусусан, миллий ҳунармандчилик йўналишидаги илк ишланмаларини тақдим этган бир гуруҳ ёшлар ижоди шундан далолат бериб турибди. Янгича санъат турлари саналмиш инсталляция, видеоарт, архитектура ва дизайн соҳаларида изланаётган иқтидорли йигит-қизларнинг муаллифлик лойиҳалари эса кишида ёрқин таассурот қолдиради.

Тадбир ғолибларини тақдирлаш маросимида ана шундай ижодий ўзига хосликка интилаётган бир гуруҳ ёшларга сертификат ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди. Жумладан, Саодат Мирдавидова раҳбарлигидаги "Парвоз апробацияси" номли лойиҳа, Нигора Шарафхўжаеванинг "Кўприк" деб номланган инсталляцияси, Яна Олтинбоеванинг архитектура лойиҳаси, Татьяна Фадеева раҳбарлигидаги "Ab OVO" лойиҳаси, Ғайрат Иброҳимов ижодига мансуб видеоарт жанридаги тасвирлар, Камола Икромова (Тошкент шаҳри)нинг дизайн йўналишида яратган тўплами, шунингдек, риштонлик Мирзағолиб Акромовнинг кулоллик намуналари, Бухоро вилояти вакили Дилноза Нарзуллаеванинг каштачилик услубидаги ижодий ишлари энг намунали лойиҳалар, деб баҳоланди.

Ғолибларга диплом ва совғаларни "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси Васийлик кенгаши раиси Г. Каримова топширди.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ПОКИСТОН ХАЛҚИГА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Президент Осиф Али Зардорий, Вазирлар Маҳкамаси ва Ташқи ишлар вазирлиги номидан Ўзбекистон раҳбариятини ишонтириб айтаманки, покистонликлар қардош ўзбек халқи кўрсатаётган ёрдамни ҳеч қачон унутмайди. Дўст кулфатда билинади! Покистонликлар учун оғир кунларда ўзбек халқининг олижаноблик ва бағрикенглик билан зарур ёрдам кўрсатгани айни мана шу халқ мақолининг яна бир ифодаси бўлди".

Покистон Фавқулодда вазиятлар агентлиги раисининг ўринбосари Неъматулла Хон Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик билдирар экан, Ўзбекистон томонидан кўрсатилган мазкур ёрдам яқинда содир этилган қирғизистонлик қочқинлар билан боғлиқ ижтимоий фожиадан кейин ажратилгани, айниқса, аҳамиятли эканини таъкидлади.

Унинг сўзларига кўра, "ушбу инсонпарварлик ёрдами мамлакат ҳукумати томонидан тасдиқланган ишлар режасига биноан зудлик билан музофотларга тақсимланади. Болалар озуқаси, ун, гуруч ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари икки кун ичида жабрланган аҳолига, жумладан, Навшаҳар ва Атток аҳоли пунктларига етказилади.

Инсонпарварлик юки таркибида келтирилган фармацевтика воситалари эса талафот кўрган ҳудудларга дори-дармон етказиб берилишини мувофиқлаштираётган Покистон соғлиқни сақлаш вазирлигининг бирлашган навбатчи штаби ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Покистондаги ваколатхонасига топширилади".

Инсонпарварлик юкини жўнатишда қатнашган Покистон Ислом Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Муҳаммад Воҳид ул-Ҳасан Ўзбекистон Республикаси раҳбариятига Покистон халқига кўрсатган ёрдами учун миннатдорлик изҳор этаркан, қуйидагиларни таъкидлади:

"Покистон Ислом Республикасида рўй берган табиий офат туфайли қарийб 20 миллион киши жабр кўрди, уларнинг 4 миллион нафари бошпанасиз қолди. Жала тўхтамаяпти, такрорий тошқинлар бўлиши кутилмоқда. Покистон тарихида бундай табиий офат ҳали кузатилмаган. Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг инсонпарварлик ёрдами жабрланганлар эҳтиёжларини қоплаш учун ўз вақтида етказиб берилди. Айни пайтда чодир, кўрпа-тўшак, ичимлик суви, болалар озуқасига, айниқса, эҳтиёж катта.

Ўзбекларда ҳам, покистонликларда ҳам "дўст кулфатда билинади", деган мақол бор. Мамлакатларимизни азалдан дўстлик ва қардошлик ришталари боғлаб туради. Покистон халқи 2005 йилда рўй берган зилзила вақтида Ўзбекистон етказиб берган ёрдамни унутгани йўқ. Шуни таъкидлашни истардимки, Покистонда ўзбек халқи, унинг қадимий маданияти ва анъаналари ғоят юксак қадрланади. Бугунги кунда Ўзбекистон қўлга киритаётган ютуқлар бизни ҳам қувонтиради".

**«Жаҳон» АА.**

## Самарқанд вилояти:

# ИСТИҚЛОЛДАН ЯШНАГАН ТАБАРРУК ЗАМИН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Аваз аканинг ўзи тупроқдан дур ундириб, ризқ-насиба яратаётган минглаб замондошларимиздан бири. Унинг бошчилигидаги фермер хўжалиги вилоятга ғўзанинг "Омад" навли бирламчи элита уруғини етказиб беради.

Самарқанд туманидаги "Фарҳод" фермер хўжалиги раҳбари Ҳабиб Узоқов олисни кўзлаб иш тутадиганлар сирасидан. У мустақилликнинг илк йилларида 20 бош қорамол билан фаолиятини бошлаганди. Бугун фермернинг юздан зиёд қорамоли, 60 гектар ери, шунга яраша дов-дасгаси бор. Илғор фермер Германиядан гўштни қайта ишлайдиган технология олиб келиб ўрнатди. Айни пайтда сифатли, харидоргир колбаса маҳсулотларини ишлаб чиқараяпти.

— 40 бошга яқин сигиримиз бор, — дейди Ҳабиб ака. — Эндиликда сутни қайта ишлайдиган технологияни олиб келиш пайидамиз. Яна 10 гектар ерга шафтолизор боғ қилдик. 7 гектар ерда узумзоримиз бор. Қуруқ мева етиштириб, хорижга чиқишни кўзлаб турибмиз.

Ҳабиб ака фермер хўжалигини ташкил этганда икки ўғли — Фаррух билан Фарҳод ҳали жуда кичик, жажжи болакай эди. Улар отаси ёнида юриб, меҳнат кўриб, меҳнатга қайишиб ўсишди. Фаррух фермер хўжалигида ишлаш билан бирга, Самарқанд чет тиллар институтини битирди. Инглиз тилига қўшимча корейс тилини ҳам ўзлаштириб олди. У дзюдо бўйича спорт усталигига номзод. Айни пайтда Самарқанд Олимпия захиралари коллежи талабаларига инглиз тилидан сабоқ бераяпти. Фарҳод эса Туризм коллежида ўқияпти.



— Шу кетишимиз бўлса, ҳали фермер хўжалигимизга инглиз тили ҳам, туризм соҳаси ҳам керак бўлади. Келажагимиз ишончли қўлларда, — дейди кулиб Ҳабиб ака.

Бугун Самарқанд вилоятида 8804 нафар фермер фаолият кўрсатмоқда. Вилоятда етиштирилаётган жами қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 97 фоизи улар ҳиссасига тўғри келади. Ўтган даврда вилоятда 14 та иссиқхона, 26 та паррандачилик, 13 балиқчилик ва 7 та асаларичилик фермер хўжаликлари фаолиятини бошлади. Шу йилнинг олти ойи мобайнида 3 та гўшт, 2 та сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар ишга тушди. Буларнинг ҳаммаси халқимизнинг турмуш фаровонлигига, дастурхонларимизнинг тўкин-сочинлигига хизмат қилмоқда.

* * *

Истиқлол йилларида кўҳна Самарқанд саноати гуркураб ривожланди. У индустриал ҳудудга айланди. Бугун "СамАвто" корхонасида ишлаб чиқарилаётган "ISUZU" русумли чиройли, йўловчилар учун қулай, ихчам автобусларни мамлакатимиз шаҳар, қишлоқлари йўлларида кўплаб учратиш мумкин. Бир йил муқаддам Самарқандда яна бир автокорхона — "JV MAN AUTO-Uzbekistan" қўшма корхонаси ишга туширилиши билан "MAN" русумидаги юқори кувватли замонавий юк машиналарини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Юртимизда Самарқанддаги "Сино" корхонасида ишлаб чиқарилаётган турли кўриниш ва ҳажмдаги музлаткичлар кириб бормаган хонадон бўлмаса керак...

Жомбой туманининг "Холвойи" фуқаролар йиғини ҳудудидаги "Амин Инвест Интернейшнл" қўшма корхонасида айни пайтда 600 нафарга яқин қишлоқ ёшлари меҳнат қилмоқда. 1200 тонна пахтани қайта ишлаб, йигириб, тўқиб, тайёр трикотаж кийим-кечаклари ишлаб чиқараётган мазкур корхона маҳсулотининг 85 фоизини экспорт қилмоқда.

— Ўтган йили 2,5 миллиард сўмлик маҳсулотни экспортга чиқарган бўлсак, жорий йилнинг 6 ойи ичида 1 миллиард сўмлик маҳсулотимизни хорижга сотдик, — дейди қўшма корхона директори Эмма Костамирова. — Айни кунларда корхонанинг иккинчи навбатида қурилиш-монтаж ишларини қизғин олиб боряпмиз. Қиймати 1,3 миллион долларга тенг бу лойиҳа амалга ошгач, корхона 2,5 минг тонна пахтани қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантириш қувватига эга бўлади. Яна қўшимча 100 та ишчи ўрни яратилади. Корхонамиз қишлоқдаги енгил саноат коллежи билан яқин ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Коллеж битирувчилари амалиётни шу ерда ўтаб, кўникма ҳосил қиладилар. Дипломни олгач эса, корхонамизнинг ўз одамига айланадилар.

Эмма Казимовна вилоят чим устида хоккей федерациясининг раиси. Унинг ҳомийлигида самарқандлик қизлардан иборат хоккейчилар республика мусобақасида фахрли иккинчи ўринни олишди. Шунингдек, 10-Меҳрибонлик уйи ҳам тўлиқ корхона оталиғида.

— Сўнгги йилларда туманимизда ишлаб чиқариш корхоналарини кўпайтиришга, шу йўл билан ҳам туман иқтисодини кўтариш, ҳам қўшимча иш жойлари яратишга катта эътибор қаратаяпмиз, — дейди Жомбой тумани ҳокимининг ўринбосари Фарҳод Муҳаммадиев. — Жорий йилнинг ўзида кальцит ишлаб чиқарадиган "Жомбой жавоҳири" қўшма корхонасини ишга туширдик. "Диаман глаз" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонамизда сифатли шиша маҳсулотлари, "Газиантеп" МЧЖда гилам маҳсулотлари, "Жомбойтемир-бетон" МЧЖда қурилиш материаллари ишлаб чиқарилмоқда. "Жомбойдон" ҳамда "Жомбойшароб" корхоналарини модернизация қилиб, қўшимча маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Мустақиллик байрами кунигача 14 та якка тартибдаги уй-жой биносини, 27-мактаб спорт залини, туман Тез тиббий ёрдам марказини, консалтинг хизмати кўрсатиш биносини, Ижодкор ёшлар марказини фойдаланишга топширамиз деб турибмиз.

— Туманимизнинг 425 мингдан зиёд аҳолиси ҳаётида ҳам Мустақиллик инъом этган улкан ўзгаришлар ўз ифодасини топмоқда, — дейди Ургут тумани ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Ҳиммат Оқбўтаев. — Ургут шаҳри ва қишлоқларининг кун сайин кўркамлашиб, халқимиз турмуш даражасининг юксалаётгани шундан далолатдир. Азалдан тадбиркорлик ва миллий ҳунармандчилик борасида ўзига хос мактаб яратган ургутликлар учун Президентимизнинг ушбу соҳаларга қаратаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрлиги кенг имкониятлар очди.

Бугунги кунда туманимизда 114 та саноат корхонаси, жумладан, 22 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. 21800 дан зиёд кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлар ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида иш олиб бормоқда. Ургутда қурилиш материаллари, гилам ва бошқа уй жиҳозлари, кийим-кечак ишлаб чиқариш, мева-сабзавотни қайта ишлаш борасида бой тажриба тўпланган. Туманимизнинг вилоят саноатида улуши салмоқли бўлиб, бу борада Самарқанд шаҳридан кейин иккинчи ўринда турамиз.

"Ҳунарманд" уюшмаси туман бўлими минглаб уста-ҳунарманд ва ҳаваскор ёшларни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Туманда шаклланган кулоллик, каштачилик, темирчилик, сандиқсозлик, зардўзлик бўйича сулолалар иши бугунги авлод томонидан давом эттирилмоқда. Маҳаллаларда уста-шогирд мактаблари фаолияти йўлга қўйилиб, йигит-қизлар миллий ҳунармандчилик сирларини ўрганмоқда.

Истиқлол шарофати билан қишлоқларимиз кун сайин чирой очмоқда. Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида вилоят миқёсида 650 та уй-жой қурилаётган бўлса, шунинг 147 таси бизнинг туманимизда бунёд этилмоқда. Бу йил яна 140 та уй-жойни режага киритганмиз.

Туманимизда кичик бизнес, тадбиркорлик, ҳунармандчилик, касаначилик, савдо-сотиқ тобора ривожланаётганини ҳисобга олиб, Марказий бозор қурилишига киришдик. Бу бозорда 1549 та савдо дўкони, 12 та умумий овқатланиш шохобчаси бунёд этилади. Бозорнинг 12 та дарвозаси, узоқ-яқиндан келганлар учун барча қулайликларга эга меҳмонхонаси, енгил ва юк машиналари учун алоҳида тўхташ жойлари бўлади. Ҳозир бозор қурилишида 10 дан зиёд қурилиш ташкилотлари, минг нафардан ортиқ қурувчилар кечаю-кундуз меҳнат қилишмоқда. Янги замонавий бозоримизни жорий йилнинг 1 октябригача ишга туширишни мўлжаллаб турибмиз.

Тумандаги "Бекмиз хала" гиламчилик қўшма корхонаси фаолияти билан танишдик. 2009 йилда ташкил этилган мазкур корхонага Бельгиянинг машҳур "VAN DE VIL" фирмаси дастгоҳлари ўрнатилган. Бу ерда ойига 60 минг квадрат метр "Граф", "Супер кристина" деб номланган юқори сифатли харидоргир гиламлар ишлаб чиқарилади. Дастгоҳлар тўлиқ компьютерлаштирилган. Буюртмачи талаби асосида гилам шакли, гуллари, чизмаси компьютерга туширилиб, шу ердан нари дастгоҳларга узатилади. Ва шу чизма асосида автомат линия исталган турдаги маҳсулотни ишлаб беради.

— Ҳозирча хом ашёнинг 50 фоизини четдан олаётган бўлсак, — дейди корхона раҳбари Умаржон Ибодуллаев, — маҳаллийлаштириш дастури бўйича келгуси йилдан бошлаб 90 фоиз хом ашёни ўзимиз ишлаб чиқарамиз. Янги йилдан маҳсулотларимизни хорижий давлатларга экспорт қилишни бошлаймиз.

Бугун корхонада 100 га яқин қишлоқ ёшлари меҳнат қилмоқда. Гиламдўзлар ўтган йили 2 миллиард 380 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични 4 миллиард сўмликка етказишга ҳаракат қилишмоқда.

Бугун нафақат Ургут ёки Жомбой, балки вилоятнинг бошқа туманларида ҳам кўплаб саноат корхоналари, қайта ишлаш цехлари фаолият кўрсатмоқда. Қишлоқларда кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожланмоқда. Шу боис ҳам жорий йилнинг 6 ойи мобайнида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 11 фоизга ўсди. Ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг улуши 65,8 фоизни, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши эса 53 фоизни ташкил этди.



Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятда 27 та янги саноат корхонаси ишга туширилди. 20 та саноат корхонаси модернизация қилиниб, ишлаб чиқариш қувватлари кенгайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2010 — 2012 йилларда Самарқанд вилоятининг саноат салоҳиятини ошириш, шунингдек, истиқболсиз корхоналарни таркибий ўзгартириш, молиявий соғломлаштириш ёки тугатиш бўйича ҳудудий Дастури" асосида жорий йилнинг биринчи ярмида жами 142 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланиб, 29,8 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар киритилиши, натижада 2240 та янги иш ўрни яратилиши белгиланган бўлиб, ҳақиқатан 150 та лойиҳа амалга оширилди. Бу лойиҳаларнинг 3 таси хорижий инвестициялар иштирокида ишга туширилган корхоналар, 33 таси озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, 22 таси нооозиқ-овқат товарлари, 32 таси қурилиш материаллари ва 60 таси иссиқхона, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичиликни ташкил этиш лойиҳаларидан иборат.

Дастур доирасида Самарқанд туманида лойиҳа қиймати 1,5 миллион АҚШ долларига тенг, сендвич панеллар ва профнастил ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Сам-Рос-холод" қўшма корхонаси, Тайлоқ туманида лойиҳа қиймати 639,4 минг АҚШ долларига тенг тўқимачилик атторлик буюмлари ва бахмал ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Тайлоқ бахмали" шўъба корхонаси ишга туширилди.

* * *

Самарқандга бориб, буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳазратларининг, Имом Бухорий, имом Мотуридий, Мирзо Улуғбек каби буюк бобокалонларимиз хоки пойини зиёрат этмасдан қайтиш мумкинми? Асло.

Истиқлол йиллари муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида қайта тикланган, ўз меъморий ечими билан оламни лол қолдираётган имом Бухорий зиёратгоҳини томоша қилиб юриб, шу ерда "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими кенгашининг раиси Ҳасан ота Нормуродов билан учрашиб қолдик.

— Мустақиллик йиллари кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқандимизда асрларга татигулик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, — дейди фахр билан отахон. — Эътибор берсангиз, Юртбошимизнинг барча саъй-ҳаракатлари Ҳазрати Инсон, унинг манфаатларига йўналтирилганлигини ҳис этасиз. Бугун Мустақилликнинг 19 йиллиги арафасида "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон" шиори баланд пардаларда жарангланяпти. Сирасини айтганда, улуғ Истиқлол туфайли инсон қадр-қиммати, иззат-эътибори жойига қўйилди. Узоққа бормай, ўз фаолиятимиздан мисол келтирадиган бўлсам, бугун вилоятимизда 201 минг 410 нафар фахрий истиқомат қилади. Шундан 1079 нафари Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари, уруш ортида меҳнат қилганлар 13 минг нафар, ҳалок бўлган жангчилар оилалари 761 нафарни ташкил этади. Фахрийларимиздан 158 нафари 100 ёшга етган ва ундан ошганлар. Улар вилоят раҳбарияти ва жамоатчилигининг доимий диққат-эътиборида...

* * *

Самарқанд замини — муқаддас. Тупроғи — зар. Суви — гавҳар. Она Зарафшон самарқандликларнинг дуру жавоҳири. Самарқандда жаҳон фани, маданиятига, дунё цивилизациясига улкан ҳисса қўшган буюк инсонларнинг қадам излари бор. Улуғ Истиқлол туфайли уларнинг муборак номлари тикланди. Қадамжолари, мақбаралари обод қилинди. Бугун Самарқанд бепоён мамлакатимизнинг энг гўзал, энг табаррук, кун сайин Истиқлол офтобидан нур олиб, яшнаб, яшараётган, ўтмиши шарафли, бугуни саодатли, келажаги абадий диёр. Таъбир жоиз бўлса, Самарқанд кўкда порлаб турган ёрқин юлдуз. Дунё Самарқандга ошиқади, ҳамма-ҳамма Самарқандни кўргиси, бу суюк, муқаддас замин тупроғини кўзларига тўтиё этгиси келади, Самарқандга талпинади.

Мард, танти, орияти баланд, меҳнаткаш ва фидойи самарқандликлар энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 19 йиллигига ёруғ юз билан пешвоз чиқмоқдалар.

**Али ЗИЁДОВ.**

*Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.*

**1995 йил 7 ноябрда ташкил этилган “Асака” давлат-акциядорлик тижорат банки бугунги кунда Ўзбекистоннинг энг жозибадор ва йирик молия институтларидан бирига айланди.**

**Банк қисқа муддат ичида ўз мавқеини мустаҳкамлашга республика аҳолиси ва хўжалик субъектларининг, шунингдек, халқаро молия институтларининг ишончини қозонишга муваффақ бўлди.**

Эътироф

# «АСАКА» БАНКИ ЮҚОРИ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГГА ЭГА ЭКАНЛИГИ ЯНА БИР БОР ТАСДИҚЛАНДИ

Шу билан бирга, кейинги йилларда ўзининг рақобат майдонидаги пешқадамлигини намоён этган ҳолда, банк ва молия бозорларидаги ҳам ички, ҳам ташқи фаолиятини сезиларли даражада кенгайтирди. Бугунги кунда банк ўз активларини мамлакат иқтисодиётининг фармацевтика, енгил, озиқ-овқат ва автомобиль саноатлари, шунингдек, қурилиш, транспорт, телекоммуникация сингари илғор соҳаларига йўналтирган. Айни пайтда кредит ва лизинг операциялари, қимматли қоғозлар ва молиявий активлар билан операциялар ҳамда омонат операцияларини фаол амалга ошириш билан бирга, кўрсатилаётган воситачилик хизматлари ҳажми ва кўламини кенгайтирмоқда.

“Асака” банки жаҳоннинг “Euromoney” ва “Global Finance” каби таниқли нашрлари томонидан бир неча бор “Ўзбекистонда йилнинг энг яхши банки” деб топилган. Осиё ва Тинч океани Ривожлантириш молиявий институтлари ассоциацияси хулосасига кўра, “Кадрлар сиёсати бўйича энг яхши банк” номинациясида қайд этилган.

***Жорий йилнинг 29 июлида “Moody’s Investor Service Ltd.” Халқаро рейтинг агентлиги “Асака” банкининг қуйидаги рейтингларини яна бир бор тасдиқлади:***

- ***молиявий барқарорлик рейтинги: E+***
- ***миллий валютадаги банк депозитлари рейтинги: Ba3/NP***
- ***хорижий валютадаги банк депозитлари рейтинги: B2/NP***
- ***барча рейтинглар прогнози: Барқарор***

“Асака” банкига аввалги рейтинг кўрсаткичлари 2009 йил 17 декабрда берилган бўлиб, “Moody’s” агентлиги Ўзбекистон Республикасида миллий иқтисодиёт ва маҳаллий банк тизимини қўллаб-қувватлаш имкониятини қайта баҳолаган ҳолда, “Асака” банкининг маҳаллий ва хорижий валютадаги депозитлар рейтингини оширган эди.

Шу тариқа, тасдиқланган рейтинглар банкнинг ишончлилигини яна бир бор таъкидлайди ҳамда аҳолининг “Асака” банки ва республикамиз банк тизимига ишончини мустаҳкамлайди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 августдаги “2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Дастурни ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳини ташкил қилиш ҳақида”ги Фармойишини ижро этиш мақсадида, “Асака” банки томонидан банкнинг капитализация даражасини ошириш, унинг халқаро стандартларга мувофиқ молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини таъминлаш, кредит портфели сифатини янада ошириш ва яхшилашни таъминлаш, халқаро рейтинг агентликлари томонидан тижорат банклари фаолиятини баҳолаш учун қўлланиладиган халқаро нормалар, мезонлар ва стандартларни ўзгартириш борасида зарур ишлар олиб борилмоқда.

“Асака” банки ўз вазифасини Ўзбекистон иқтисодиётини жадал ривожлантириш ва унинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятидаги мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилиш ҳамда мижозлар учун сифатли банк хизматларини тақдим этишда, деб билади. Банк юқоридаги вазифаларни бажарар экан, билдирилаётган юксак ишончни оқлаш ва ўзининг ишончли молиявий ҳамкор сифатидаги нуфузини ошириш йўлида бор имкониятларини ишга солади.

**Банк матбуот хизмати.**

Изланиш

# Гулнинг янги нави яратилди

***Қарши давлат университетининг ботаника кафедраси олимлари бутасимон лагерстремия манзарали ўсимлигининг оқ рангли навини яратишди.***

Ҳозирга қадар мазкур ўсимликнинг 4 та нави Қарши шаҳри кўчалари ва хиёбонларига ўзгача чирой ҳамда ҳусн бахш этиб келарди. Эндиликда лагерстремиянинг оқ рангли нави шаҳар кўчаларидаги бу гўзалликка янада мафтункорлик бағишлаши, табиий. Шунингдек, университет ҳудудидаги экологик боғда хризантема, астра, канна гуллари, цезалпиния, бирючина, розмарин каби бир қатор манзарали ўсимлик ва буталар кўпайтирилмоқда. Уларни йўллар, маҳаллалар ҳамда хонадонлар ҳовлиларига экиш мўлжалланаяпти.

**Ф. БОЗОРОВ.**











**Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси**

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Самарқанд вилояти филиали**

**бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдоларига таклиф этади:**

**Аукцион савдоларига:**

**I.** Суд департаменти Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 25 декабрдаги ЖСК-1-481/2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда:

**Қуйидаги мулклар 10 фоиз арзонлаштирилган нархда қўйилмоқда:**

**1.** Самарқанд шаҳри, Бедил кўчасида жойлашган «Парвина-Юнипак» универсал ўрама материаллари ишлаб чиқариш марказига қарашли ускуналар. Бошланғич баҳоси — 262 440 000 сўм.

**2.** Самарқанд шаҳри, Ўзбекистон кўчаси 82-«Б» уйда жойлашган, ХЁАТБ «Парвина-банк»ка тегишли, қурилиш майдони 362,86 кв.м. бўлган 1 қаватли офис биноси. Бошланғич баҳоси — 132 514 420 сўм.

**3.** Самарқанд шаҳри, Аэропорт кўчаси, 9-уйда жойлашган «СУ-855» МЧЖга тегишли, қурилиш майдони 843,0 кв.м. бўлган савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 143 529 355 сўм.

**4.** Самарқанд шаҳри, Чўпонота масканида жойлашган «СУ-855» МЧЖга тегишли «Асфальт-бетон» заводининг асбоб-ускуналари. Бошланғич баҳоси — 232 997 657 сўм.

**5.** Самарқанд шаҳри, Спитамен шоҳкўчаси, 270-уйда жойлашган «СУ-855» МЧЖга қарашли ишлаб чиқариш линияси (линия по производству пенополиуританового утеплетеля JG-150, насос типа VH-150). Бошланғич баҳоси — 57 673 290 сўм.

**Қуйидаги мулклар бошланғич баҳоси ўзгармаган ҳолда қўйилмоқда:**

**6.** Самарқанд тумани, Мотрит қўрғонида жойлашган «Мадрид интер плюс» МЧЖга қарашли «Ғишт ишлаб чиқариш заводи»нинг қурилиш майдони 3278,02 кв.м. бўлган бинолари ҳамда ускуналари ва жиҳозлари мулкий мажмуа сифатида. Бошланғич баҳоси — 681 862 131 сўм.

**7.** «12-шина таъмирлаш заводи» МЧЖга тегишли асбоб-ускуналар ҳамда қурилиш майдони 7489,14 кв.м. бўлган бино ва қурилмалар мулкий мажмуа сифатида. Бошланғич баҳоси — 1 237 768 932 сўм.

**II.** Суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлими томонидан ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2009 йил 20 январдаги 2-164-08-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 222-уйда жойлашган, қурилиш майдони 200,98 кв.м. бўлган, тўрт қаватдан иборат бино ҳамда 22 турдан иборат мол-мулклар мулкий мажмуа сифатида такроран 10 фоиз арзонлаштирилган нархда қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 365 140 290 сўм.

**Аукцион савдоси 2010 йил 14 сентябрь соат 11.00 да бўлиб ўтади.**

***Талабгорлар диққатига!*** 2010 йил 14 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмай қолган мулкларнинг такрорий аукцион савдоси 2010 йил 1 ва 19 октябрь кунлари бўлиб ўтади.

Ушбу мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни (8-366) 233-80-56 телефони ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий веб-сайти орқали олиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Самарқанд вилояти филиалининг АТ «Турон» банки Самарқанд шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452123, МФО: 00282, СТИР: 200933850.

**Манзил: Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 85-«А» уй, 210-хона.**

WWW.RKMB.UZ

*Лицензия: DB 001 № 000004.*



Спорт • Sport • Спорт

***Каноэчи Вадим Меньков жаҳон чемпионатида олтин ва бронза медалларини қўлга киритиб, мустақиллигимизнинг 19 йиллигига муносиб совға ҳозирлади.***

# ҲАМЮРТИМИЗ ИККИ КАРРА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Ишқибозларимизнинг ёдида бўлса, 2008 йили Хитой пойтахти Пекинда ўтказилган XXIX ёзги Олимпиада ўйинлари дастуридаги каноэда (1000 метр) эшкак эшиш баҳсларида юртдошимиз Вадим Меньков биринчи ўринга чиқиб олган эди.

Аммо у сўнгги дақиқалардагина тажрибали рақибларини олдинга ўтказиб юбориб, якунда тўртинчи ўрин билан кифояланишга мажбур бўлди. "Эсизгина, совринли ўрин накд эди-я", дея афсуслангандик ўшанда. Вадим Олимпиада ўйинларидан қайтиб келгач, ўша лаҳзалар ҳақида гапириб, "Мен барибир ғалаба қозонаман", деб ваъда берганди.

Юртдошимиз 2009 йили Канаданинг Дартмут шаҳрида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича ўтказилган навбатдаги жаҳон чемпионатида сўзининг устидан чиқди. У 1000 метрга каноэда эшкак эшиш баҳсларида 3.55,947 натижа қайд этиб, жаҳон чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди. Ушбу муваффақият эвазига йил якунида "Жаҳоннинг энг кучли каноэчиси" дея эътироф этилганди.



Куни кеча Польшанинг Познань шаҳрида якунланган жаҳон чемпионатида ҳам вакилимиз ўз маҳоратини намойиш этди. В. Меньков 1000 метрга яккалик каноэда эшкак эшиш беллашувида 3.51,721 натижага эришиб, иккинчи бор жаҳон чемпиони, деб тан олинди. Ўз навбатида, у ўтган йилги кўрсаткичини ҳам анча яхшилаб олди. Биздан минглаб километр олисда жойлашган Познань шаҳрида музаффар спортчимиз шарафига Ўзбекистон байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янгради. Иккинчи ўрин Атилле Вайда (Венгрия), учинчи ўрин эса Себастьян Брендель (Германия)га насиб этди. Бундан ташқари, Вадим 500 метрга каноэда эшкак эшиш мусобақасида бронза медалини қўлга киритди.

— Вадимнинг ғалабаси барчамизни ғурурлантириб юборди, — дейди Ўзбекистон каноэ федерацияси бош котиби Татьяна Маматқулова. — Унинг номи ўзбекистонлик спортчилар орасида каноэда эшкак эшиш бўйича икки карра жаҳон чемпиони бўлган спортчи сифатида ҳам тарих зарварақларига ёзилди.

Шу ўринда мамлакатимизда Президентимиз томонидан спортнинг бошқа турлари қатори, сув спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётганлиги муваффақиятларга асосий омил бўлаётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Юртдошларимизнинг ушбу спорт турлари бўйича халқаро мусобақаларда эришаётган ютуқлари салмоғи йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Байдарка ва каноэда эшкак эшиш билан шуғулланувчилар сони ҳам кўпайиб бораётир. Ҳозирги кунда 2000 нафардан зиёд ёшларимиз мазкур спорт турлари бўйича машғулотларда иштирок этмоқдалар.

Эслатиб ўтамиз, Вадим жорий йилда бўлиб ўтган жаҳон кубоги мусобақаларида ҳам муваффақиятли қатнашди.

# НАВБАТ – ОЛТИН МЕДАЛГА

***Сингапурда ўсмирлар ўртасида давом этаётган I Олимпиада ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари бешинчи медални қўлга киритди.***




Дзюдо бўйича баҳсларда юртимиз шарафини ҳимоя қилган Мансурхўжа Мўминхўжаев (55 кг.) саралаш беллашувларида катта устунлик билан ғалаба қозонди. Аммо ҳал қилувчи финал беллашувида чехиялик Давил Пулкрабекка очколар бўйича имкониятни бой бериб, кумуш медаль билан кифояланди.

Айтиш жоизки, М. Мўминхўжаев мамлакатимизнинг энг иқтидорли дзюдочиларидан ҳисобланади. Тажрибали мураббий Фарҳод Тўраев қўли остида машғулотларда қатнашаётган ёш полвонимиз 2009 йили Венгрия пойтахти Будапештда ўтказилган жаҳон биринчилигида Олимпиада йўлланмасини қўлга киритган эди.

Шунингдек, бокс бўйича мусобақада қатнашаётган вакилимиз Аҳмад Мамажонов финалга йўлланма олди. Сардор Бегалиев ва Зоҳид Ҳурбоев бронза медаллари учун курашни давом эттирадилар.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.**


UzFederalGaz

UFG
UzFederalGaz

Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси жамоаси

19

*Серқуёш ўлка халқи ва меҳмонларини ҳар бир ўзбекистонлик қалбига яқин бўлган улуғ байрам —*

**МУСТАҚИЛЛИК КУНИ**

*билан самимий муборакбод этади!*

*Мамлакат ривожининг муҳим босқичида барчага янги зафарлар, мустаҳкам соғлиқ, бахт ва бошлаган ишида омадлар тилаймиз.*

*Мустақилликнинг ҳар бир куни барчамизга қувонч ва янги муваффақиятлар келтирсин!*






***"Тарихий хотирасиз келажак йўқ". Дарҳақиқат, аждодларимиз босиб ўтган йўлни англаш, мозий сабоқларидан тегишли хулосалар чиқариш, қолаверса, "Биз киммиз, кимларнинг авлодимиз?" деган саволга жавоб топиб, Истиқлолнинг қадрига етиш, унинг бебаҳо неъмат эканлигини теран ҳис қилиш, авайлаб-асраш бугунги кунда ҳар бир ватандошимиз учун муҳим аҳамиятга эгадир.***

# ХОТИРА АБАДИЙ

Бу йил давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистонимиз мустақил деб эълон қилинганига 19 йил тўлади. Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда, авваламбор, тарихий адолат ва ҳақиқатни тиклашга катта эътибор қаратилди. Чунки тамаддун бешиги саналган юртимиз бир ярим асрдан зиёд истибдод исканжасида яшаган, эзилган, қадр-қиммати таҳқирланган эди. Аммо Ватан шани, ор-номусини таҳқирлар-тазйиқлар ўзининг қора пардаси билан тўсолмайди. Минг йилликлар силсиласида аждодларимизнинг ҳар бир жабҳада амалга оширган оламшумул ишлари, юрт озодлиги йўлидаги қаҳрамонона курашлари садоси авлодлар қалбига қараб талпинаверади. Шу маънода, Юртбошимиз бизга ўзлигимизни танитди, қаддимизни кўтариб, улуғ аждодларимиздан ибрат олиб, уларга муносиб бўлиб яшашга ўргатди, кўнгил кўзини очишга ундади.

Биз Президентимиз раҳнамолигида Соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Бобур сингари буюк давлат арбоблари, Жалолиддин Мангуберди каби тенгсиз саркардалар, Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа юзлаб алломаларимизнинг азиз номларини эъзозладик, қадамжоларини обод этдик. Халқимиз даҳоси яратган, аммо истибдод даврида таъқибу тазйиққа учраган шоҳ асарлар — "Авесто" ва "Алпомиш" маънавиятимизнинг Семурғ қушлари бўлиб, жаҳон тафаккури осмонида яна бир бор улкан қанотларини ёзди. Бугун бизнинг шонли ўтмишимизни дунё билади. Қадимий шаҳарларимиз довруғини жаҳон тан олади. Башарият тарихида порлоқ юлдуз бўлиб порлаган боболаримиз хотираси олдида маърифат аҳли бош эгиши бор гап.

Бироқ, шуни айтиш жоизки, яқин тарихимиз, айниқса, ўзининг шиддатли ва аянчли воқеалари билан бизни сергакликка, ҳушёрликка чақиради, бугунимизнинг азиз ва мукаррамлигини бир лаҳза ҳам унутмасликка даъват этади.

Бундан ўн бир йил муқаддам, 1999 йил 12 май куни Юртбошимизнинг мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш борасидаги Фармойиши эълон қилинган эди. Бу тарихий Фармойишдан кейин кўп ўтмай, ўша йилнинг 22 июль куни Вазирлар Маҳкамасининг "Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Бу ҳужжатлар мустамлакачилик жабру жафоларини кўрган ватандошларимиз хотирасини абадийлаштириш ишларининг олиб борилишида дастуриламал бўлди. 2001 йил 1 май куни эса Президентимиз Фармони билан "Қатағон даври қурбонларини ёд этиш куни" таъсис этилди, шунингдек, "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуида "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи барпо этилди.

## 31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни

Таъкидлаш керакки, ҳозирда ушбу музей экспозициялар ранг-баранглиги, архив ҳужжатларининг кўплиги, энг замонавий ускуналар билан жиҳозланганлиги билан кишини ҳайратга солади. Бу ерга келганлар шаҳидлар хиёбони зиёратидан кейин ўтган асрлар қийноқларидан маҳв бўлган жасур боболаримиз қисмати билан танишадилар, тарихий ҳақиқатни ўз кўзлари билан кўрадилар, ўтган асрнинг нидоли қўшиқларини эшитадилар ва энг охирги экспозиция Истиқлолимиз яратган мўъжизалар макетлари, ушбу мўъжизалар яратувчилари фотосуратларига нигоҳ ташлаб, руҳлари кўтарилиб, кўнгилларида шижоат, завқу шавқ тўлиб-тошиб, бу кунларга етказганига шукрона айтадилар.

Шу ўринда "Қатағон қурбонлари хотираси" музейини Юртбошимизнинг кўрсатмалари, фикр-мулоҳазаларидан илҳомланиб эътиборга молик, жозибадор даргоҳга айлантиришда музей ходимлари билан бир қаторда "Шаҳидлар хотираси" жамғармаси аъзоларининг ҳам муносиб ҳиссалари борлигини алоҳида қайд этиш даркор.

"Шаҳидлар хотираси" жамғармаси ташкил топган вақтдан бери мустамлакачилик даврида, жумладан, ўтган асрнинг 30-50 йилларида кечган сиёсий жараёнлар, қатағон қурбонларининг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, уларга бағишланган мақолалар, китоб ва рисолалар ёзиш, адабиёт ва санъат асарларини яратиш каби хайрли ишлар билан шуғулланиб келмоқда, кўплаб хотира кечалари, суҳбатлар ва маърифат соатлари ўтказилмоқда. Лекин жамғарма томонидан олиб борилган бу ишларни етарли, деб бўлмайди. Айниқса, "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси ва "Қатағон қурбонлари хотираси" музейига катта эътибор берилаётган ҳозирги вақтда қатағон қилинган ватандошларимиз ҳаётини, уларнинг Ватан ва халқ озодлиги йўлида олиб борган фаолиятларини ўрганиш, умуман, Ўзбекистон тарихининг шу даврдаги саҳифаларини ёритиш жамғарма ҳамда музей олдида турган долзарб вазифадир.

Шубҳасиз, жамғарма ва музей ходимлари ўз фаолиятлари давомида мустамлакачилик даврининг турли масалаларига, хусусан, даврнинг айрим жабрдийдаларига бағишланган мақола, рисола ва китобларни ҳам нашр қилишда давом этадилар. Бироқ, шу билан бирга, мустамлакачилик даври тарихининг ўта муҳим масалалари борки, бу масалаларга оид ҳужжат ва материаллар фақат тарихчи олимлар, олий ўқув юртлари тарих факультетларининг аспирантлари ва магистрлари эътиборигагина ҳавола этилиши мумкин.

Шу маънода, жамғарма томонидан тайёрлаб, чоп этилган, асосан, ҳужжат ва материаллардан иборат бўлган "Тарихнинг номаълум саҳифалари" китоби ана шу туркумдаги биринчи илмий тўпламдир.

Ушбу китоб икки қисмдан иборат, биринчи қисм чор ҳокимияти даврига оид ҳужжат ва материаллардан ташкил топган, иккинчи қисмида эса совет давридаги фожиали воқеаларга оид ҳужжатлардан ташқари, қатағон даври қурбонлари ва улар ҳақидаги хотиралар жамланган.

Шўро ҳукуматининг қатағон сиёсати ўтган асрнинг 20-йилларидан аввалроқ бошланиб, 1937-1938 йилларда авж нуқтасига кўтарилгани, миллионлаб бегуноҳ кишиларнинг умрига зомин бўлганлиги тарихдан маълум. Совет давлатининг жазо идоралари, айниқса, шу йилларда бегуноҳ кишиларни "халқ душмани", "аксилинқилобчи", "миллатчи" сифатида айблади ва жисман йўқ қилиб юборишга астойдил интилди. Ҳатто сиёсатдан узоқ оддий кишилар ҳам ваҳшиёна қийноқ остида совет ҳокимиятига қарши курашганликлари ҳақида кўрсатма беришга мажбур бўладилар. Бу каби сўровлардан айримлари китобда акс этган, табиийки, мутолаа чоғида масаланинг ана шу нозик томонига эътибор бериш талаб қилинади.

XX асрнинг 30-йиллари матбуотида НКВД ходимларининг хоҳиш ва иродаси билан эълон қилинган мақолаларда ҳам, тергов ҳужжатларида ҳам ҳибсга олинган бегуноҳ кишиларни "халқ душмани", "миллатчи", "аксилинқилобчи", ҳатто "фашист" деб айблаш оддий ҳодиса бўлган. Ўша мудҳиш йиллардаги сиёсий лексикага хос бу хусусият мазкур тўпламга кирган ҳужжатларда ҳам ўз ифодасини топган.

Ушбу тўпламни нашрга тайёрлашдан ҳамда китобхонлар эътиборига тақдим этишдан мақсад, халқимиз бошига сон-саноқсиз офат ва фалокатларни келтирган мустамлакачилик даври тўғрисидаги бор ҳақиқат билан ошно этишдир. Сир эмаски, ҳар бир халқ ўз тарихининг барча даврларини яхши билиши, шу даврларда рўй берган барча муҳим воқеаларни келгуси авлодлар учун тарих сабоғи сифатида ёзиб қолдириши табиий жараёндир.

Зеро, Истиқлолимиз ўз мазмун-моҳияти билан она-заминимизда инсонни азиз ва улуғ қилди, мартабасини сарбаланд айлади. Унинг ҳаётини, манфаатларини, орзу ва умидларининг ҳамма нарсадан устунлигини таъминлади. Шундай экан, биз учун тарихимизнинг олис қирғоқларида юрт озодлиги учун жонини тиккан, нурафшон орзуси амалга ошмай, айни кучга тўлган пайтида маҳв этилган аждодларимиз хотираси азиз ва қадрли. Уларнинг руҳи ҳамиша барҳаёт, улар биз билан доимо бирга.

**Бахтиёр ҲАСАНОВ,**
**«Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси Раёсати раиси, «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи директори.**

Саломатлик

# Даволаниш учун Германияга

***Куни кеча "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан кам таъминланган оилаларнинг 14 нафар бемор болалари даволаниш учун Германияга юборилди.***

Қайд этиш жоизки, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, кам таъминланган оилаларнинг бемор болаларини ижтимоий ва тиббий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор ибратли ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, Баркамол авлод йилида ушбу жамғарма ҳомийлигида Германиянинг "Фриеденздорф Интернейшнл" халқаро ташкилоти кўмагида лаб-танглайида, оёқ ва бўйнида туғма нуқсони бўлган 252 нафар бола жарроҳлик йўли билан шифо топди.

Эндиликда махсус комиссия томонидан тиббий текширувдан ўтказилган ўсмирлар орасидан саралаб олинган болалар Германиянинг энг нуфузли клиникаларида даволаниб келади.

**Эркин ҚОДИРОВ.**

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА жамоаси Агентликнинг Хоразм вилояти бўйича мухбири Шавкат Худойбергановга онаси
**Ҳуржон момо ОТАЖОН қизининг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган касаба уюшма қўмитаси Босмахона директори Маъмуржон Маллабоевга укаси
**Абдужалил ВАҲОБОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент молия институти раҳбарияти ва Бирлашган касаба уюшма қўмитаси Лойиҳаларни молиялаштириш кафедраси катта ўқитувчиси
**Азамат УЗОҚОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

*Жиззах вилояти Адлия бошқармасида рўйхатдан ўтган, Жиззах вилояти, Бахмал тумани, "Новқа" ҚФЙ, Оқтош қишлоғида жойлашган МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон — Буюк Британия ҚК "Fruitvitex" агрофирмаси таъсисчиларининг 2010 йил 17 августдаги 9-сонли баённомасига асосан, Низом жамғармаси камайтирилиши маълум қилинади. Барча саволлар қуйидаги телефон орқали қабул қилинади: (+99897) 770-11-57.*


BANK

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

*манфаатли*

*«Соврин плюс капитал» ютуқли омонатини таклиф этади.*

**Омонатга маблағлар 1 йил муддатга йиллик 14% миқдорида даромад тўлаш шарти билан қабул қилинади. Шунингдек, омонат бўйича ўтказиладиган ютуқлар тиражлари натижасига кўра, омонатчилар 2000 дан ортиқ пул ютуқларидан бирининг соҳиби бўлишлари мумкин.**

**Ютуқлар тиражлари жорий йилнинг май ойидан бошлаб ҳар 2 ойда ўтказилади.**

*ҲАМ ДАРОМАД, ҲАМ ИМКОНИЯТ!*

ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Қўшимча маълумотларни (+99871) 150-12-91 телефони орқали олишингиз мумкин.



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 703. 41775 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Болиев.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.57 Топширилди — 22.40

1 2 3 4 5